

СЕВГИ ҲАҚИДА

18:45 / 26.04.2016 7118

САВОЛ: Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари!

Сизга саволим шуки, Оллоҳнинг бандасига бўлган севги Оллоҳ инъомими ёки шайтон ҳийласими?

Иккинчи саволим: Оллоҳ йўлида севиш қандай бўлади? Жавобингизни кутаман. Жавобингиз учун олдиндан катта раҳмат.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Аллоҳнинг бандасига бўлган севги шариатга хилоф бўлмаган ҳолда бўлса, Аллоҳ инъомидир. Аллоҳнинг бандасига бўлган севги шариатга хилоф ҳолда бўлса, шайтон ҳийласи ва гуноҳнинг уясидир.

Аллоҳ йўлида севиш Аллоҳга иймони бўлгани учун, Аллоҳнинг ибодатини қилгани, айтганида юргани, қайтарганидан қайтгани ва амрини тутгани учун бўлади. Валлоҳу аълам.